ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР
ҲОКИМИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
ГОРОДА ЯНГИЮЛЬ

ҚАРОР
РЕШЕНИЕ

20 20 йил «03» июля № 166 Янгийўл ш.

Янгийўл шаҳардаги умумтаълим муассасалари микрохудудларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистан Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 4, 18, 22, 23-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5538-сонли фармони ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасиниг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли карори билан тасдиқланган Низомнинг 5-боб, 39-бандига кўра, "Мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш туман (шаҳар) ҳокимликларининг карори билан умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) доирасида умумтаълим муассасаси педагог ходимлари томонидан болаларни бирма-бир (уйма-уй) рўйхатга олиш орқали амалга оширилади" деб белгиланганлиги, мактаб ёшидаги боланинг тайёргарлик даражасидан қатъи назар, танловсиз қабул қилиниши, мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасасининг 1-синфига қабул қилиш учун уларнинг ота-оналари томонидан ўз ҳудуди (микроҳудуди)даги мактабга ариза топшириши кераклиги, шунингдек шаҳар худудидаги таълим муассасаларига мактаб ёшдаги болаларни мажбурий таълимга қамраб олиш, алохида таълим олишга мухтож болаларни аниқлаш ва таълим берилишини тўлиқ таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунини 6, 25-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳардаги таълим муассасаларининг микрохудудлари хар бир умумтаълим муассасаси педагог ходимлари томонидан болаларни бирма-бир

(уйма-уй) рўйхатга олиш орқали шакллантирилган микрохудудлар ил мувофик тасдиқлансин.

3. Шаҳар Халк таълими булими (М.Туйчиева)га:

- мактаб ёшидаги ўқувчиларни 1-синфига мактабнинг қувватидан келиб чиқиб бириктирилган микрохудудлар бўйича қабул қилиш қатъий назоратга олиш;

- бир синфда ўқувчилар сонини 35 тадан оширмаслик асосида талаб катта бўлган мактаблардаги коэффициентни барқарорлаштириш;

- мактаб ёшига етмаган ва таълим тилини билмайдиган болаларга фақат ўзи мулоқот қила оладиган мактабларда ўқишига имкон яратиш;

- бириктирилган микрохудудлар бўйича аниқ ҳисобот ишларини йўлга қўйиб, болаларнинг билим олиш ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш ишлари йил давомида доимий назоратга олиш;

- амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида шаҳар ҳокимлигига маълумот тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

4. "Янгийўл" рўзнома бош муҳаррири (А.Рихсибоев) ушбу қарор матнини "Янгийўл" рўзномасида чоп этилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг назорат килиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Сайлиев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар хокими **Ф.Мирзаев**